

## ИБРОХИМ МҮМИНОВНИНГ БИРИНЧИ ЎЗБЕК ДОРУЛФУНУНИДАГИ ФАОЛИЯТИГА ДОИР

Темур Аброр ўғли Мўминов

Тадқиқотчи

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Иброҳим Мўминовнинг шахс ва олим сифатида шаклланишида Шарқ гавҳари, қадим замонлардан маданият ва илм-фан маркази бўлган Самарқанд шаҳрининг ўрни хусусида сўз боради. Шунингдек, XX аср ўзбек фанининг энг ёрқин вакиларидан бири, ҳақиқий олим ва мураббий, замонавий ўзбек фалсафа мактабининг асосчиси ва фан ташкилотчиси Иброҳим Мўминовнинг 1928-1955 йилларла Самарқанд шаҳридаги биринчи ўзбек дорулфунунидаги касбий ва илмий ҳаётига оид архив хужжатлари, хотиралар, мақолалар ва рисолалар, илмий ишлар ва монографияларда келтирилган маълумотларнинг таҳлили амалга оширилган.

**Калит сўзлар:** Мўминовлар сулоласи, Бухоро маориф институти, Самарқанд дорулфунуни, педакадемия, фалсафа, архив манбалари, фан ташкилотчиси.

### КИРИШ

Мўминовлар сулоласи тақдирида Самарқанд илмий муҳити катта роль ўйнаган. Хусусан, у кишининг акалари Абдумалиқ, Араббой ва Муҳаммад Мусолар, уларнинг кейинги авлодларининг тақдири Самарқанд шаҳри билан бевосита боғлиқ бўлди.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Мўминовлар сулоласи, шу жумладан, Иброҳим Мўминовнинг ҳаёти ва касбий фаолияти тўғрисида ёзилган хотира, рисола, илмий-оммабоп нашрлар ва илмий ишларда унинг Самарқанд дорулфунунидаги фаолияти тўғрисида маълумотлар келтирилган бўлсада, улар қўпроқ расмий хусусиятга эга бўлиб, Мўминовлар сулоласининг маълум бир вакили, масалан, Иброҳим Мўминовнинг Самарқанд шаҳридаги фаолияти тўғрисида умумлашган маълумотларни тақдим этмайди. Шу жихатдан Мўминовлар сулоласи вакиллари, хусусан Иброҳим Мўминовнинг Самарқанд дорулфунунидаги фаолияти мисолида, оиланинг бошқа

вакилларининг ҳам Самарқанд шаҳридаги фаолиятини қисман очиб беришга қарор қилди.

Иброҳим Мўминовнинг яқинлари ва шогирдлари қолдирган хотираларга кўра, у кишининг иккинчи акаси Араббой Мўминов 1933 йилда ташкил этилган Ўзбек давлат университетида олий ва математика ва назарий механикадан дарс берган бўлса [1], 1932 йилда Ўзбек давлат педагогика академиясининг физика-математика факультети тугатган [2] Мусо Мўминов 1937-1944 йилларда Самарқанд педагогика институти директори, 1944-1952 йилларда Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат университети ректори ва 1945-1969 йилларда умумий физика кафедрасининг мудири сифатида фаол меҳнат қилган [3].

Мусо Мўминовнинг ўғли Толиб Мўминов 1992-1995 йиллар Самарқанд Давлат университети ректори сифатида фаолият олиб борди, кейинчалик Ўзбекистон Фанлар академияси академиги даражасига етди [3]. Абдумалик Мўминовнинг ўғли Маннон Маликов 1946 йилда Ўзбек давлат университетининг биология кафедрасига ўқишига киради ва ўқишини муваффақиятли тутатиб, Самарқанд тиббиёт институтининг биология кафедрасида дарс беришни бошлаган. 1960 йилда Маннон Маликов биология фанлари бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қиласи [4]. Маннон Маликовнинг ўғли, кўп йиллар давомида Самарқанд давлат университетининг “Ўзбекистон тарихи” кафедраси доценти бўлиб ишлаган Азим Маннонович Маликов бугунги кунла жаҳон илмий жамоатчилигига эътироф этилган тарихчи-этнограф, Чехиянинг Оломоуц университети профессори сифатида фаолият олиб бормоқда [5].

Юқорида келтирилган мисоллар орқали Мўминовлар сулоласи вакилларининг ҳаётида биринчи Ўзбек дорулфунуни ва Самарқанд шаҳрининг ўрни қанчалик даражада муҳим ўринга эга эканлиги қисман очиб беришга ҳаракат қилди. Энди бевосита Иброҳим Мўминовнинг 1927 йил январида Самарқанд шаҳрида ўз ишини бошлаган Олий Педагогика институти (1930 йилдан Олий педагогика академияси, 1933 йилдан Ўзбек давлат университети, 1962 йилдан Самарқанд давлат университети) даги фаолияти билан яқиндан танишиб чиқсан. Бу жараёнларни очиб беришда Иброҳим Мўминовнинг замондошлари ва шогирдлари томонидан ёзиб қолдирилган хотиралар, мақола ва рисолаларда келтирилган маълумотлардан ташқари бугунги кунда Самарқанд вилоят давлат архиви ва Ўзбекистон Миллий архиви жамғармаларида сақланаётган ҳужжатли материаллар ҳам муҳим манбавий аҳамиятга эга.

1927 йилда Бухоро маориф институтини муваффақиятли тамомлаган Иброҳим Мўминов дастлаб Бухоро шаҳрида очилган икки йиллик педагогика курсларида жамиятшунослик ва синфий кураш тарихидан дарс беради [5]. 1928 йилда эса Бухоронинг ёш истеъоддли вакиллари қаторида Самарқанд шаҳрига, Ўзбек Олий Педагогика институтининг ижтимоий-иктисодиёт факультетига ўқишга юборилади [6].

Миллий зиёлиларни тарбиялаб етказишида Самарқанд Олий Педагогика академиясининг алоҳида ўрни борлигини қайд этиб ўтиш лозим. Бу ерда ўзбек халқининг асл фарзандлари Пўлат Солиев, Абдурауф Фитрат, адабиётшунос олим О.Шарафиддинов, тилшунос олим, профессор Гози Олим Юнусов, рус шарқшунос олими, археолог В.Л. Вяткинлар фаолият олиб борганлар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари орқасидан ўзбек илм-фанининг Самарқанд мактаби шаклланган эди.

Пўлат Солиев XX асрда Ўзбекистонда тарих фани соҳасида биринчи бўлиб профессор унвонига лойиқ топилган. У Ўзбекистон ва Марказий Осиё халқларининг тарихини холис илмий асосда ўрганиш мактабини яратган фидокор олимдир. “Иброҳим Мўминов, Яҳё Ғуломов, Абдураҳмон Ҳамроев ва Рашид Набиев каби машҳур тарихчилар шу мактабда шаклланган. Атоқли ўзбек шоири Ҳамид Олимжон Ўзбек Давлат университетида шу олимдан сабоқ олган.

Профессор Пўлат Солиев XX асрнинг дастлабки ўттиз йили мобайнида Файзулло Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ҳоди Файзий каби йирик давлат ва жамоат арбоблари, фан ва маданият намояндлари билан ҳамфир, ҳаммаслак бўлган. Улар Пўлат Солиевга янги миллий тарихнавислигимизнинг қалдирғоч асарларини яратган олим сифатида катта хурмат эҳтиром билан қараганлар” [7].

Пўлат Солиев араб, форс, турк ва рус тилларни мукаммал билган олим сифатида шогирдлари қалбида бир умрга она тарихга садоқат руҳини тарбиялайди. Пўлат Солиевнинг илмий фаолиятидаги туб бурилиш “Ўзбекистон тарих”ни яратиш бўлди. Бу халқимиз тарихидаги биринчи уриниш эди. Асар Акмал Икромов раислигига комиссия томонидан муҳокама этилади. Таассуфки, бу асарнинг қўлёзмаси 1937 йилда Пўлат Солиев ҳибсга олингач, йўқолган. Кейинчалик, Иброҳим Мўминов ўз устози бошлаб берган ишни давом эттириб “Ўзбекистон тарихи” 4 жилдлик китобини нашр қилишга бош қош бўлди [8].

1928-1929 ўқув йилида Ўзбек Олий Педагогика институтига 478 нафар талаба қабул қилинган [9] ва улар орасида Бухоро маориф институтини муваффақиятли



тамомлаган, бўлажак файласуф олим ва фан ташкилотчиси Иброҳим Мўминов ҳам бор эди. Олий Педагогика институти Ўзбекистон ССР Халқ маориф комиссарлигининг 1926 йил 30 октябрдаги қарори билан ташкил этилган [10] ва 1927 йил 3 январдан ўз фаолиятини бошлаган [11]. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, қадимдан илм-маърифат маркази бўлиб келган Бухоро заминилик талабалар Олий педагогика институтида кўпчиликни ташкил этган. Иброҳим Мўминов билан бир қаторда шу йилларда Бухоро маориф институтининг собиқ битириувчилари Розик Халилов, Ҳамид Ўрмонов, Розик Юсупов, Мухиддин Каюмов, Раҳмат Исаев каби талабалар, хусусан акаси Мусо Мўминов [12] ҳам мазкур олийгоҳда таҳсил олган эдилар [13]. Шундай бўлсада, Олий педагогика институтининг ўша йилларда қабул қилинган талабалари орасидан фақат Иброҳим Мўминов нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунёда кенг илмий жамоатчилик томонидан тан олинган файласуф аллома даражасига кўтарилди.

## МУҲОКАМА

Иброҳим Мўминов Самарқанд дорулфунунида ўқиш билан бир пайтда таътил ва ўқишидан бўш вақтлари ўқитувчилик фаолияти билан ҳам шуғулланган [14]. Олий Педагогика институтига ўқишига кирган Иброҳим Мўминоа 1931 йилда шу институт негизида ташкил этилган Олий Педагогика академиясини аъло баҳолар билан тугатади ва илмий фаолиятини давм эттириш учун диалектик материализм бўйича аспирантура курсларига қабул қилинади. Айни вақтда фалсафа тарихи ва диалектикаси бўйича ҳам талабаларга, ҳам аспирантларга сабоқ бера бошлайди [15].

Шу тариқа бўлажак файласуф олимнинг илмий-педагогик фаолияти 1930-йилларда, у Самарқандда Ўзбек Олий Педагогика академиясида фаолият олиб борган вақтларда бошланган.

Иброҳим Мўминов ёшлигидан тарих, ижтимоий фанлар, фалсафа илмига қизиқди, шу соҳалар бўйича мақолалар ёзди. Хусусан, 1933 йилда унинг фалсафа соҳасидаги биринчи тадқиқоти – “Диалектик материализмнинг ривожланишида Ленин босқичи” номли мақоласи “Ленин байроби” газетасида эълон қилинади. 1939 йилда “Ленин йўли” (ҳозирги “Зарафшон” газетаси – Т.М.) газетасида “Гегел диалектикасининг рационал мағзи”, “Дин, рўза ва унга қарши кураш”, инқилобий-демократ Н.Г. Чернишевскийнинг материализми” ва “Улуғ диалектик-материалист” номли мақолалари эълон қилинган [16]. 1941 йилда ҳудди шу газетада олимнинг “Алишер Навоий – буюк маърифатпарвар” номли мақоласи эълон қилинди [17]. Бу мақолалар унинг файласуф сифатида шаклланиб

бораётганлигидан, фалсафа бўйича тадқиқот йўлига тушганлигидан далолат эди.

Шу йиллар Иброҳим Мўминовнинг илмий қизиқишилари йўналишини белгилаб берди: бўлажак олим диалектика масалалари, ижтимоий-фалсафий назария, фалсафа тарихи ва Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихи масалалари билан жиддий шуғулдана бошлади [18].

1933 йилда Олий Педагогика академияси негизида Ўзбек давлат университети ташкил этилди ва Иброҳим Мўминов ҳам шу олийгоҳнинг катта илмий ходими сифатида ташкилотчилик ишларида фаол иштирок этди. У дастлаб адабиёт факультети, кейин тарих факультети ҳамда фалсафа кафедрасининг мудири лавозимларида фаолият олиб борди.

1941 йилда Иброҳим Мўминов “Гегель диалектикасининг рационал мағзи” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва маҳаллий миллат вакиллари орасида биринчилардан бўлиб фалсафа соҳасида илмий даражада олишга эришди [19].

Ўзбеклар орасидан биринчилар қаторида фалсафа фани бўйича фан номзоди илмий даражасини олган Иброҳим Мўминов энди асосий фаолиятини фалсафа фанини ўқитиши жиддий равишда яхшилаш, ўқув қўлланмалар яратиш, ўқув дастурлари тузиш, маъruzалар мазмунини бойитиб бориш ишларига қаратди. Бу борада ҳали ўзбек тилида адабиётлар йўқ даражада эканлиги, кўплаб фалсафий атамаларнинг ўзбек тилидаги муқобиллари етарли даражада ишланмагани ҳам ўқитиши ишларида бирмунча муаммоларни келтириб чиқарар, ёш олимлар, ўқитувчилардан талайгина меҳнат талаб қилар эди [20].

Ўзбек давлат университетидаги меҳнат фаолиятидан ташқари, Иброҳим Мўминов 1941-1943 йилларда Самарқанд педагогика институти доценти, Марксизм-ленинизм кафедраси мудири лавозимида ҳам фаолият олиб борган [21]. Бу ўша йилларда ёк бўлажак фан ташкилотчиси ва жамоат арбобида бирнечта вазифаларни биргаликда олиб бориш кўникмаларининг шаклланганлигидан далолат беради.

1940-йиллардан бошлаб Иброҳим Мўминовнинг илмий фаолиятида янги босқич бошланди. Бу босқичнинг алоҳида белгиси – Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий ва фалсафий тафаккурининг йирик вакили Мирзо Абдулқодир Бедил (1644-1720) қарашларини ўрганиш ва тадқиқ қилишга қаратишдан иборат эди. Бу мавзуни танлаш тасодиф эмас, балки тадқиқотчи учун қонуний зарурият эди. Гап шундаки, Мирзо Абдулқодир Бедил Шарқ файласуфлари орасида кўзга кўринган, йирик

олим бўлиб, ижтимоий-маънавий ҳаётда чуқур из қолдирган ва кейинги даврларда Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий тафаккурининг ривожланишига чуқур таъсир кўрсатган эди. Мирзо Абдулқодир Бедил фалсафаси Иброҳим Мўминов учун асосий ҳалқа бўлиб, уни ўрганиш орқали минтақа халқлари ижтимоий-сиёсий қарашларининг ривожига доир йирик асар ёзиш мумкин эди [22].

Иброҳим Мўминовнинг Бедил шахсига тўхталишининг яна бир сабаби – ўша вақтда Самарқандда истиқомат қилган машхур ёзувчи, академик ва мутафаккир Садриддин Айний Бедил поэзиясини юксак таърифлаб, уни ушбу ғояга илҳомлантирган бўлиши ҳам мумкин. Тожикистон Фанлар академиясининг собиқ президенти, йирик файласуф олим Муҳаммаджон Осимий (Асимов) нинг Иброҳим Мўминовни хотирлаб баён қилган қуйидаги шаҳодати ҳам шундан далолат беради: “Иброҳим Мўминов билан Самарқандда кўпинча Садриддин Айнийнинг хонадонида учрашиб турадик. Бу вақтда у Бедил фалсафасини ўрганиш билан шуғулланарди. Устод Айний эса Бедил шеъриятининг беназир билимдони эди. Мен уларнинг сұхбатларини мароқ билан тинглардим. Орадан кўп ўтмай Иброҳим Мўминовнинг Бедил фалсафасига бағишланган бебаҳо тадқиқотлари эълон қилинди” [23].

Шунингдек, Иброҳим Мўминов Самарқанддаги илмий ва касбий фаолияти давомида ўз куч-ғайратини Аҳмад Доңиш, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат, Муҳаммад Аминхўжа Муқими, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва бошқа ўзбек маърифатпарварларининг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашларини ўрганишга ҳам сарфлади.

1943 йилда Иброҳим Мўминов Самарқандлик йирик олимлар қаторида Ўзбекистон Фанлар академисининг ташкил этилишида фаол иштирок этди ва Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси этиб сайланади [24].

1945-1949 йилларда Иброҳим Мўминовнинг “Мирзо Абдулқодир Бедил”, “Мирзо Абдулқодир Бедил тўғрисида”, “Шоир ва мутафаккир Мирзо Абдулқодир Бедил тўғрисида”, “Шоир Фурқат рус маданияти тўғрисида”, “Мирзо Абдулқодир Бедилнинг фалсафий қарашлари” ва “XIX аср охири – XX аср бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиёти тарихидан” номли мақолалари эълон қилинди [25].

1950 йилда Иброҳим Мўминов ўзининг кўп йиллик тадқиқотлари натижасида “XIX аср охири – XX аср бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиёти тарихидан” мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қиласди. СССР Фанлар академияси Фалсафа институтида ҳимоя



қилинган ушбу илмий тадқиқотга Садриддин Айний (1878-1954) ва шарқшунос олим Е.Э. Бертельс (1890-1957) илмий маслаҳатчи сифатида бириктирилган эдилар [26].

Мазкур докторлик диссертацияси икки маротаба монография ҳолида чоп этилган. Хусусан, 1954 йилда унинг “Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккурниг ривожланиши тарихи масалаларига доир (Х асрдан XX аср бошларигача)” номли асари нашр этилди. Ушбу асарда муаллиф Ўзбекистон халқларининг ижтимоий-фалсафий таълимотлари ривожининг асосий босқичларини, бу даврларда ижод этган Абу Наср Фаробий (870-950), Абу Али ибн Сино (980-1037), Абу Райхон Беруний (973-1048), Бобораҳим Машраб (1657-1711), Турди Фарғий (XVII-1699), Аҳмад Дониш (1827-1897), Мухаммад Аминхўжа Муқими (1850-1903), Убайдулло Солиҳ ўғли Завқий (1853-1921) ва бошқаларниг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашларини таҳлил қиласди.

1955 йилда Иброҳим Мўминовнинг «XIX аср охири – XX аср бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиёти тарихидан» номли яна бир монографияси эълон қилинди [27]. Бу асарда Туркистоннинг мустамлака бўлган даврдаги маданий ҳаёти, мафкураси, ижтимоий-сиёсий тафаккури, унинг хусусиятлари ёритилган эди [28].

Мазкур асарнинг чоп этилиши билан Иброҳим Мўминовнинг Самарқанд шаҳрида ташкил этилган биринчи ўзбек дорулфунунидаги фаолияти ҳам ўз деюре ўз ниҳоясига етди. 1955 йилда у Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг директори этиб тайинланади [29]. Шу билан Самарқанд шаҳрида замонавий ўзбек фалсафа мактабига асос солган алломанинг кейинги ҳаёти, илмий ва қасбий фаолияти Тошкент шаҳри билан бевосита боғлиқ бўлиб қолди.

Иброҳим Мўминовнинг Самарқанд шаҳридаги қасбий ва илмий ҳаёти фақат Ўзбек дорулфунуни кафедраларидаги фаолияти билан чекланмайди. Захматкаш ва серқирра олим ўз даврининг жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирок этди. Хусусан, 1947-1951 йилларда у Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати, 1948-1952 йилларда Самарқанд шаҳар кенгаши депутати мақомларида фаолият олиб борган [30].

Иброҳим Мўминов Ўзбек давлат университетидаги фаолияти давомида Сайд Шермуҳамедов, Найим Ғойибов, Музaffer Xайруллаев каби ўзбек илм-фани ривожланишида катта роль ўйнаган олимларни тарбиялаб етиштирди. Айниқса, шогирдларидан бири, бўлажак жамоат ва давлат арбоби Шароф Рашидов билан муносабатлари ниҳоятда самимий бўлиб кейинчалик, бу алоқалар қариндошлилик

ришталари билан чамбарчас боғланган. Академик Аҳмадали Асқаровнинг хотирлашича, Шароф Рашидов Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари бўлиб ишлаган вақтларида ҳам, “домла Иброҳим Мўминов у кишининг доимий сухбатдоши ва маслаҳатчиси бўлган” [31].

## ХУЛОСА

XX аср ўзбек фанининг энг ёрқин вакилларидан бири, ҳақиқий олим ва мураббий, замонавий ўзбек фалсафа мактабининг асосчиси ва фан ташкилотчиси Иброҳим Мўминовнинг 1928-1955 йилларла Самарқанд шаҳридаги биринчи ўзбек дорулфунунидаги касбий ва илмий ҳаётига оид архив ҳужжатлари, хотиралар, мақолалар ва рисолалар, илмий ишлар ва монографияларда келтирилган маълумотларнинг таҳлили натижасида қуидаги хуласаларга келиш мумкин:

- Самарқанд илмий ва маърифий муҳити Мўминовлар сулоласининг кўплаб вакиллари қаторида Иброҳим Мўминовнинг ҳаётида, хусусан унинг буюк файласуф, фан ташкилотчиси ва жамоат арбоби сифатида етишишида бирламчи аҳамиятга эга бўлди;
- Айнан Самарқанд дорулфунунида Иброҳим Мўминов файласуф сифатида шаклланди ва замонавий ўзбек фалсафа мактабининг илдизлари шу ерда отилди. Кейинчалик Ўзбекистоннинг машҳур файласуфлари бўлиб етишган Сайд Шермуҳаммедов, Наим Ғоибов, Музaffer Ҳайруллаевларнинг ҳам айнан шу олийгоҳда таълим олишгани ҳам фикримизнинг тўғри эканлиги асослайди;
- Иброҳим Мўминов ҳаётининг исталган босқичини ўрганишда хотиралар, мақолалар, рисолалар, дарслик ва монографияларда келтирилган маълумотлар билан бирган Самарқанд вилояти давлат архиви, Ўзбекистон Миллий архиви ва Ўзбекистон Фанлар академияси Марказий архиви жамғармаларида сақланаётган ҳужжатларни биргаликда ўрганиш, қиёсий таҳлил қилиш ва олинган натижаларни умумлаштириш жуда кўплаб маълумотларга аниқлик киритиш ва танлаб олинган босқич бўйича жараёнларни тўлароқ очиб бериш имкониятини беради.

## REFERENCES

1. Файзуллаев О. XX аср зиёлилари: устозларим ва сафдошларим. – Тошкент: Фалсафа ҳукуқ институти нашриёти. 2008. 114-бет
2. Раҳмон А. Шофиркон юлдузлари. – Тошкент: “Муҳаррир”, 2011. 73-бет.

3. Маликов М. Тезгузар зиёси. – Самарқанд: “Зарафшон” нашриёти, 2006. 23-бет
4. Раҳмон А. Шоғиркон юлдузлари. – Тошкент: “Мұхаррір”, 2011. 74-бет
5. Маликов М. Тезгузар зиёси. – Самарқанд: “Зарафшон” нашриёти, 2006. 45-бет
6. Тарих фанлари номзоди, профессор Азим Маликов билан уюштирилган сұхбат-интервью материаллари. 2022 йил август
7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Марказий архиви, 1-жамғарма, 2-Л-рўйхат, 114-иш, 3-варақ
8. Шермуҳамедов С. Қомусий олим . – Тошкент: ЎМЭ нашриёти, 1998. 4-бет
9. Темиров Ф. Пўлат Солиев. Тошкент: Abu Matbuot konsalt, 2011. Б -4.
10. История Узбекской ССР в четырех томах. Тошкент: 1967-1968.
11. Самарқанд вилояти давлат архиви 637-жамғарма, 1-рўйхат, 137-иш, 16-варақ
12. Ўзбекистон Миллий архиви 837-жамғарма, 2-рўйхат, 251-иш, 91-варақ
13. Самарқанд вилояти давлат архиви 94-жамғарма, 1-рўйхат, 433-иш, 32-варақ
14. Раҳмон А. Шоғиркон юлдузлари. – Тошкент: “Мұхаррір”, 2011. 74-бет
15. Самарқанд вилояти давлат архиви 637-жамғарма, 1-рўйхат, 137-иш, 11-14-варақлар
16. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Марказий архиви, 1-жамғарма, 2-Л-рўйхат, 114-иш, 4-варак; Ғойибов Н. Донишманд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. 9-бет
17. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Марказий архиви, 1-жамғарма, 2-Л-рўйхат, 114-иш, 4-варак
18. Муминов И. Избранные произведения. В 4-х т. – Ташкент: Узбекистан, 1977. Т. 4. Вопросы социалистической культуры в Узбекистане. Ред. коллегия: А.С. Садыков и др. – С. 389
19. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) 31-бет
20. Шермуҳамедов С. Қомусий олим . – Тошкент: ЎМЭ нашриёти, 1998. 4-бет
21. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) 31-бет
22. Ғойибов Н. Донишманд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. 14-бет
23. Ўзбекистон Фанлар академияси архиви 1-жамғарма, 2-л-рўйхат, 114-сақлов бирлиги, 1-варак орқа томони
24. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) 31-бет
25. Воспоминания о И. Муминове. – Ташкент: Фан, 1978. С.33-34; Ғойибов Н. 16-бет

26. Шермуҳамедов С. Қомусий олим . – Тошкент: ЎМЭ нашриёти, 1998. 4-бет
27. Муминов И. Избранные произведения. В 4-х т. – Ташкент: Узбекистан, 1977. Т. 4. Вопросы социалистической культуры в Узбекистане. Ред. коллегия: А.С. Садыков и др. – С. 389-390
28. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) 32-бет
29. Муминов И. Из истории развития общественно философской мысли в Узбекистане в конце XIX и в начале XX вв. – Ташкент, 1957.
30. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) 32-бет
31. Ўзбекистон Фанлар академияси архиви 1-жамғарма, 2-л-рўйхат, 114-сақлов бирлиги, 16-вараЕ орқа томони
32. Ўзбекистон Фанлар академияси архиви 1-жамғарма, 2-л-рўйхат, 114-сақлов бирлиги, 37-вараЕ орқа томони
33. ЎзФА академиги Аҳмадали Асқаровдан олинган интервью.2021 йил 6 январь.